



АЗИЗ ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ, КАСБ БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

Ўзбекистонда соғ'лиқни сақлаш Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • @uzssgzt, uzss@yandex.ru • 2022 йил 10 ноябрь • №43 (1426)

ҲУРМАТГА МУНОСИБ ФИДОЙИЛАР

Дунёда инсон саломатлиги учун маъсул бўлган, улар умрининг бардавом бўлиши учун жон куйдиришга тайёр Сиз азиз фидойиларни “Тиббиёт ходимлари куни” билан самимий муборакбод этамиз.

“Инсон кадри учун” таълимий асосида Давлатимиз раҳбарининг тиббиёт ходимлари билан бўлиб ўтган очик мулоқотлари мазкур соҳадаги ислохотларни сифат жиҳатидан юқорига кўтариб, инсон кадри ва унинг саломатлиги ҳар нарсадан устун эканлигини амалда кўрсатиб берди. Бунда, албатта, ўз касбининг жонқуярлари бўлган тиббиёт ходимларининг машаққатли, аммо шарафли хизматларини эътироф этмасликнинг иложи йўқ. Шу маънода ҳам 2006 йил 12 сентябрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси тиббиёт ходимлари кунини белгилаш тўғрисида”ги қонунга мувофиқ ҳар йили ноябрь ойининг иккинчи яшанбаси шифокорларнинг касб байрами сифатида тантанали нишонланиб келинади.

Мухтарам Президентимиз таъкидлаганидек, соғлиқни сақлаш тизими давлат ва халқ ўртасида кўприк бўлиб, аҳоли тизимдаги ўзгаришларга қараб давлатнинг фаолиятига баҳо беради. Шунинг учун ҳам бу синовли кунларда тиббиёт ходимлари қасамёдлари га содиқ қолган ҳолда, кучли фуқаролик позициясини намоён этиб, миллат соғлиги йўлида ҳалоллик билан меҳнат қилишлари ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир. Шундай экан, тарих зарваракларидан ўрин олган муҳим саналарни фахр билан тилга олсак арзийди.

Шундай экан, беморларни нафақат дори-дармон, балки ширин сўз, қайноқ меҳр билан дарддан фориғ этишга, малҳам бўлишга шошилган сиздек жонқуяр инсонлар учун мана шундай эъзозу эҳтиромлар ярашади.

Намозжон ТОЛИПОВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

Республикамиз тиббиёт муассасаларида фидойиларча меҳнат қилаётган тиббиёт ходимларини касб байрами билан самимий қутлайди. Уларга мустаҳкам соғлиқ, оилавий хотиржамлик ҳамда касбий маҳоратларида улкан зафарлар тилайди.



ЎЗБЕКИСТОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ

Халқимиз саломатлиги йўлида астойдил хизмат қилиб келаётган мамлакатимизнинг кўп сонли соҳа мутахассисларини касб байрами билан чин дилдан қутлаб, уларнинг масъулиятли ва шарафли ишларига муваффақиятлар ҳамроҳ бўлишини истаб қолади.



САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қалблари эзгуликка йўғрилган бор билим, илм, тажриба ҳамда касбий маҳоратларини элимиз саломатлиги йўлида бахшида этаётган тиббиёт ходимлари касб байрамингиз муборак бўлсин! Фаолиятларингиз бардавом бўлиб, кўтаринки кайфият сизни ҳеч қачон тарк этмасин.



11-НОЯБРЬ ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ КУНИ

11 НОЯБРЬ ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ КУНИ

АСОСИЙ МАҚСАД: ИНСОН МАНФААТИ УЧУН!



Касаба уюшмаси фаолиятининг энг муҳим йўналишлари тўғрисида гап кетар экан, энг аввало асосий Қомусимиз – Конституциямизнинг 59-моддасига мурожаат қилмоқчи эдим. Унда Ўзбекистон касаба уюшмаларининг асосий вазифаси қисқа ва лўнда қилиб келтириб қўйилган: “Касаба уюшмалари ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ва манфаатларини ифода этадилар ва ҳимоя қилдилар...”

Бундан ташқари, фаолиятимизнинг ҳуқуқий асосларидан бири – “Касаба уюшмалари тўғрисидаги” Ўзбекистон Республикаси Қонунида касаба уюшмаларининг ҳуқуқ ва вазифалари батафсил ёритиб берилган бўлса, ҳар бир тармоқ касаба уюшмаси Уставида касаба уюшмаларининг фаолият юртиши принципларигача мукамал белгилаб қўйилган.

Мана, юртимизда кун сайин касаба уюшма ходимлари, фаоллари ҳамда аъзолари учун унитилмас кун – “11 ноябрь - Ўзбекистон касаба уюшмалари куни” касб байрами сифатида қабул қилинди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг қонунига асосан – ҳар йилни ноябрь ойининг иккинчи якшанбаси – “Ўзбекистон Республикаси тиббиёт ходимлари куни” касб байрами кенг нишонланади. Яъни ноябрь ойининг ўзида биз иккита касб байрамини нишонлаймиз. Бу албатта қувонарли ҳол.

Фурсатдан фойдаланган ҳолда, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси тизимида ўтган давр давомида амалга оширилган ишлар, тадбирлар ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман. Хабарингиз борки, 2020 йилда бўлиб ўтган Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг навбатдаги Қурултойида Федерациямиз раҳбари Қудратилла Рафиқовнинг шахсий ташаббуси ва таклифига кўра “Янги Ўзбекистон – Янги касаба уюшмалари” шиори ва ғояси илгари сурилиб, Қурултой делегатлари ва бутун касаба уюшмаси тизими фаоллари томонидан ушбу таклиф қўллаб-қувватланган эди. Энг аввало фаолиятимизнинг асосий йўналиши сифатида Конституцияда аниқ килиб белгилаб қўйилган йўналишларга, яъни ифода ва ҳимоя функцияларимизни янада мукамалроқ бажаришга қаратилган десам тўғри бўлади. Ходимлар манфаатларини ифода этиш функциямиз бўйича амалга оширилаётган ишларга тўхталадиган бўлсам, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси бугунги кунда 4 мингга яқин ташкилотларда ишловчи ходимларга амалдаги қонун ва меъриий ҳужжатларда назарда тутилганидан кўра кўпроқ имтиёз ва қафолатлар белгилаш мақсадида жами 804 мингдан кўпроқ касаба уюшма-



си аъзолари манфаатлари ифодаланганидан 5 та тармоқ келишуви, 1065 та жамоа шартномалари тузилишига эришган. Бугунги кунда Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш Агентлиги, “Дори-Дармон” Акциядорлик Компаняси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси қошидаги “Санатор-курортлар бошқармаси” Унитар корхонаси, Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти каби ташкилотлар билан тармоқ келишуви тузишга эришди. Бугунги кунда юқоридаги ижтимоий шерикларимиз тасарруфидаги корхона ва ташкилотларимизда ходимлар 100 фоиз жамоа шартномалари билан қамраб олинган. Аъзолар сони бўйича энг йирик ижтимоий шеригимиз бўлган соғлиқни сақлаш вазирлиги билан тузилган тармоқ келишуви, вазирлик тасарруфидаги ташкилот ва муассасалар билан бошланғич ташкилотларимиз жамoa шартномаларига охирги 5 йил давомида 187 та янги бандлар киритилган бўлса, булардан 123 таси ходимларга амалдаги қонун ва қонунности ҳужжатларида белгиланганидан кўра кўпроқ имтиёз ва қафолатларни назарда тутувчи бандлардир. Тан олишимиз керакки, биз учун яқин яқинларгача келишув ва шартномаларга бевосита ходимларнинг иш ҳақини ошириш билан боғлиқ масалаларни киритиш масала-

си муаммо бўлган. Лекин, охириги йилларда мамлакатимизнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган кенг ислохотлар сабабли, узоқ вақтлар оlib борилган музокаралар натижасида тунги навбатчилик ва байрам ва ишламайдиган кунларда оширилган иш ҳақи тўлаш юзасидан вазирлик билан фойдали келишувга эриша олдик ва ҳозирги кунда тунги навбатчилик жорий этилган муассасаларда ушбу бандлар ижроси амалга оширилиб, ходимларнинг моддий манфаатдорлиги йил сайин ошиб бормоқда. Жамоа шартномалари орқали иш берувчилар томонидан биргина меҳнат муҳофазаси масалалари бўйича сарфланган маблағлар тахлил қилинса, бу маблағлар 2019 йилда 303 минг сўмни, 2020 йилда 529 минг сўмни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2021 йилнинг ўзида 1 миллион 838 минг сўмни ташкил этди. Шунингдек, касаба уюшмасининг ўз аъзоларининг манфаатларини ҳимоя қилиш функцияси бўйича 2019 йил касаба уюшмалари тарихида энг муҳим йиллардан бири бўлди. Сабаби, айнан 2019 йилда “Ўзбекистон Республикасининг касаба уюшмалари тўғрисида”ги Қонуни мутлақо янги форматда қабул қилинди. Унда касаба уюшмалари фаолияти учун бир қатор ўта муҳим қафолатлар белгиланди. Ана шундай қафолатлардан бири – касаба уюшмаларида меҳнат инспекцияси ташкил этилишидир. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси тизимида Республикада биринчилардан бўлиб тармоқ касаба уюшмаси меҳнат

инспекцияси ташкил этилди. Бугунги кунда Республика Кенгашида бир нафар бош меҳнат ҳуқуқ, бир нафар меҳнат техник инспекторлари, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда Республика Кенгашининг 14 та меҳнат ҳуқуқ, 14 та меҳнат техник инспекторлари, жами 30 нафар меҳнат инспекторлари фаолият юритмоқда. Республика Кенгаши меҳнат инспекцияси томонидан 2021 йил якунига кўра, келиб тушган мурожаат-

ходимлари томонидан бир қатор таклифлари илгари сурилган. Бошқа таклифлар қаторида тиббиёт ходимларининг иш берувчилар томонидан вақти-вақти билан мажбурий тиббий кўрикдан ўтказиш жараёнида чикимдор бўлаётганликлари Президентимиз томонидан танқид остига оlinиб, тегишли идораларга зарур кўрсатмалар берилган эди. Бу билан соҳада йиллар давомида ечимини топмаётган ушбу муаммо ҳал этилиб, тиббий кўриклар давомида ходимларнинг чикимдор бўлишлари олди оlinди. Эндиликдаги касаба уюшма фаолларининг олдидаги муҳим вазифалардан бири – тиббий кўриклар давомида ходимларда аниқланган сурункали касалликларни санатор-курорт реабилитацияни амалга ошириш масаласи турибди. Ушбу мақсадда 2021 йилда соғлиқни сақлаш ходимлари тармоқ касаба уюшмаси бўйича жами 10 377 нафар соҳа ходимлари соғломлаштирилиб, улар учун сарфланган маблағ 24 миллиард, 644 миллион сўмни ташкил этган бўлса, улардан 4 577 нафар ходимлар ва уларнинг яқин қариндошларини санатор-курорт соғломлаштириш учун касаба уюшмасининг бошланғич ташкилотлари маблағлари ҳисобидан 10 миллиард 276 миллион сўм сарфланди, 5 800 нафар ходимларни санатор-курорт соғломлаштириш учун ижтимоий суғурта маблағлари ҳисобидан 14 миллиард 367 миллион сўм маблағ ажратилди.

Касаба уюшмаси фаолиятининг яна бир муҳим йўналишларидан бири бу - мурожаатлар билан ишлаш жараёнидир. Айтиш лозимки, касаба уюшмаси органлари, ташкилотларига мурожаатлар йил сайин ортиб бормоқда. Мисол тариқасида айтадиган бўлсак, биргина 2021 йилнинг ўзида тармоқ касаба уюшмаси аъзолари томонидан ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, меҳнат муҳофазаси, ижтимоий-иқтисодий ҳимоя ва бошқа масалаларда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси, Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши, Федерациянинг ҳудудий кенгашлари, тармоқ касаба уюшмасининг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар кенгашлари, касаба уюшмаси бошланғич ташкилотларига жами 114 636 тани ташкил қилди. Биз буни касаба уюшмаси орган ва ташкилотларига аъзолар томонидан бўлган ишончнинг йил сайин ортиб бораётганлиги деб баҳолаймиз.

Фурсатдан фойдаланиб, мамлакатимиздаги касаба уюшма ходимлари ҳамда тиббиёт ходимларини касб байрамлари билан самимий қутлайман.

Фарход ХАНАПИЯЕВ
Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши раиси.

ИЛМ-ФАН ТАРАҚҚИЁТИ ВА ИСТИҚБОЛИ

ФАРҒОНАДА ОНА ЎҒЛИГА, ҚАШҚАДАРЁДА ЭР ХОТИНИГА БИР БУЙРАГИНИ БЕРДИ

"Хирургия хизматини трансформация қилиш, ҳудудларда жарроҳлик амалиётлари сифатини ошириш ва кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент қароридан жорий йил якунига қадар барча ҳудудларда буйрак трансплантацияси амалиётини йўлга қўйиш кўзда тутилган эди.

Унга асосан, ҳозир юртимизнинг деярли барча вилоятларда шундай амалиёт ўтказилмоқда.

Хусусан, Фарғонада академик В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг малакали мутахассислари ва маҳаллий шифокорлар ҳамкорлигида ана шундай мураккаб операция муваффақиятли амалга оширилди. Унда риштонлик 24 ёшли бемор М.А.га 48 ёшли онаси М.А.нинг бир

буйраги кўчириб ўтказилди. Пойтахтдан келган малакали жарроҳ, тиббиёт фанлари доктори, профессор Фазлиддин Фахриддинов бошчилигида бажарилган мазкур амалиёт қарийб 3 соат давом этди.

– Бемор бир неча йилдан буён юқори қон босими, иштаҳа пасайиши, пешоб йўлидаги хасталиклардан жиддий азият чекиб келган, – дейди вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази бош шифокори Одилжон Умаров. – Ўтказилган тиббий текши-

рувлар натижасида унга сурункали гломерулонефрит ва иккиламчи буйрак етишмовчилиги ташхиси қўйилган. Айни вақтга келиб, ташхис терминал босқичга ўтгани сабабли уни ҳаётга қайтаришнинг ягона усули сифатида буйрак кўчириб ўтказиш амалиёти тавсия этилган. Шу боис донорлик учун беморнинг барча оила аъзолари таҳлил натижалари олиниб, онаси М.А.нинг кўрсаткичлари донорлик учун мос келди. Бир йиллик тайёргарликдан сўнг ушбу амалиёт муваффақиятли бажарилди.

Худди шундай амалиёт кун кеча Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази Қашқадарё филиалида ҳам ўтказилди.

Косонлик 45 ёшли бемор аёл Х.Х. 13 йилдан буён сурункали гломерулонефрит ка-



саллигидан азият чекиб келди. Саккиз ойдан буён гемодиализ муолажаларини олиб келаётган беморга турмуш ўртоғи бир буйрагини берди.

Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази хирургия бўлими бошлиғи, тиббиёт фанлари доктори, профессор Фарҳод Хаджиба-

ев раҳбарлигидаги гуруҳ ва маҳаллий мутахассислар иштирокида ўтказилган операция муваффақиятли бажарилди.

Қашқадарё вилоятида илк буйрак кўчириб ўтказиш амалиёти жорий йилнинг март ойида бажарилган эди.

Эслатиб ўтамиз, юртимизда 2018 йилдан бошлаб буйрак трансплантацияси амалиётлари йўлга қўйилди. Илгари жуда қиммат нархда фақат хорижда ўтказиб келинган бундай операциялар эндиликда вилоят марказларида ўтказиладиган амалиётлар қаторидан жой олмоқда.

@ssvuz

ИЛК ТАЖРИБА



Қайд этилишича, академик В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказида бир вақтнинг ўзида юрак коронар-шунтлаш ва буйрак трансплантацияси амалиёти ўтказилди.

Миллий хирургия тарихида илк бор амалга оширилган бу ноёб операция ўзбек кардиожарроҳ ва трансплантологлари томонидан мустақил бажарилди.

Бемор Даврон Ғойибов 47 ёшда бўлиб, юқори қон босими, бош оғриғи, кўз хиралашуши ва доимий чарчоқ каби асоратлардан азият чекиб келган, ўзида сурункали буйрак етишмовчилиги бор-

БИР ПАЙТНИНГ ЎЗИДА ЮРАК ВА БУЙРАКДА ОПЕРАЦИЯ ЎТКАЗИЛДИ

лигидан хабар топгач, диализ муолажаларини ола бошлаган. Шунингдек, у кўп йиллардан бери қандли диабет, гипертония касаллиги билан кардиолог ва эндокринолог назоратида ҳам турган. Натижада сентябрь ойида хирургия марказига буйрак кўчириб ўтказиш бўйича мурожаат қилган. Беморга ўз қизи Зебинисо Ғойибова донорлик қилмоқчи эканини билдирган.

Буйрак трансплантацияси жуда узок вақт давом этиши сабабли бундан хастанинг юраги кўтара олмаслиги мумкин эди. Чунки текширувлар давомида бемор юрагининг учта жойида жиддий

муаммо аниқланди. Операция давомида юрак танага қон етказиб бера олмасдан, инфаркт юзага келиши хавфи бор эди. Шунинг учун ҳам режалаштирилган амалиёт икки босқичда ўтиши белгиланди. Биринчи босқичда юракда коронар-шунтлаш амалиёти бажарилиб, унга параллел равишда буйрак кўчириб ўтказишга қарор қилинди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, бундай мураккаб амалиёт дунё бўйича йилига атиги 5-10 марта амалга оширилади. Ўзбекистон ҳудудида эса ҳали бундай операция бажарилмаган.

Хирургия марказида ташкил этилган комиссия аъзоларининг рухсати билан бошланган ушбу юқори технологик ноёб муолажа муваффақиятли яқунланди. Ҳозир бемор ва донорнинг аҳволи яхши, уларни тиббий стандартлар бўйича даволаш жараёни давом эттирилмоқда.

Фазлиддин БАҲРИДДИНОВ,
академик В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази бўлим мудири, профессор.

ИМКONIЯТ

КЕЛАЖАК – ЁШЛАРИМИЗ ҚЎЛИДА



Эътирофлиси шундаки, давлатимиз раҳбарининг ёшларимиз келажакига бўлган эътиборини мамнунлик билан тилга олсак арзийди. Улар учун имкониёт эшикларини кенг очилаётганлиги – бу албатта Янги Ўзбекистоннинг пойдевори мустаҳкам бўлишидан далолатдир.



Зеро шундай экан, Президентимизнинг 2021 йил 24 декабрдаги “Давлат олий таълим муассасаларининг академик ва ташкилий-бошқарув мустақиллигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори билан Самарқанд Давлат тиббиёт университетимизга академик ва молиявий мустақиллик берилиши эса зиммамиздаги масъулиятни янада оширди. Бу ишонч сўнгги беш йилда тиббиёт таълими соҳасида катта ташаббусларга қанот берди. Самарқанд давлат тиббиёт университети Марказий Осиёда илк тиббиётга ихтисослашган муассаса ҳисобланади. Ҳозирда бу таълим даргоҳи таркибида 9 та факультет, 86 та кафедра фаолият юритмоқда. Айни пайтда бакалаврият таълим йўналишлари 9 та, магистратура мутахассисликлари 35 та клиник ординатура ихтисосликлари 40 дан ортик, қўшма таълим дастурлари 7 тани ташкил қилмоқда. Бугунги кунда 9 800 дан ортик талабага асосий штатда 624 нафар профессор-ўқитувчи дарс бермоқда, шундан фан доктори сони 85 нафар, 265 нафари фан номзодларидир, ҳамда илмий салоҳият – 56,1 фоизни ташкил қилмоқда.

Жумладан, 2022 йилда 138 нафар профессор-ўқитувчи хорижда малака оширди, 80 нафари дунёнинг нуфузли 1000 талигига кирувчи олий таълим муассасаларида ўқув машғулотларини ўтказди, 122 нафар чет эллик ўқитувчи институтнинг таълим жараёнида иштирок этиб, маъруза, семинар ва маҳорат дарслари ўтказди. Ҳозирги кунда университетимиз 106 дан ортик хорижий олий таълим ва илмий тадқиқот марказлари билан ҳамкорликда фаолият олиб бормоқда. Шунингдек, малака ошириш, тажриба алмашиш ўқув курслари бўйича амалдаги меморандум-

лари таълим ва фан йўналишида халқаро ҳамкорликнинг қатна-



ти клиникалари инфратузилмасини тўлиқ модернизациялаш, янги жиҳозлар билан ишлайдиган ходимларнинг малакасини ошириш лойиҳаларини амалга оширишни бошладик. Ислом ҳамкорлик ташкилоти ва Таиланд халқаро ҳамкорлик агентлиги (TICA) томонидан онлайн ўқув курслари ташкил этиляпти. Германиянинг Кохилмий тадқиқот институти ҳамкорлигида 1-сон клиникамизда илмий лаборатория ташкил этиш, COVID-19 ни ўрганиш бўйича ва илм-фан алмашинувлари амалга оширилмоқда. Корея Республикаси Пусан миллий университети ва институт клиникаларида амалий телемедицинани ривожлантиришни ўрганиш ва ишлаб чиқиш режалаштирилган. Буюк Британиянинг Кэмбридж Университетидан Институтнинг профессор-ўқитувчиларини инглиз тили салоҳиятини ошириш, тиббиётда тилни ўқитишда янги технологияларни қўллаш, малака ошириш, тажриба алмашиш ўқув курслари бўйича алоқалар ўрнатилди. Талабалар ва профессор-ўқитувчилар алмашинувирасмий таширлар хорижга ва хориждан: 2022-йилдан бошлаб 113 нафар профессор-ўқитувчилари тажриба алмашиш, дарс ўтиш мақсадида университетимизга ташир буюрди, ундан ташқари 23 нафар Покистон ва Ҳиндистон Республикасидан профессор-ўқитувчилар ишга тақлиф қилинган. Профессор-ўқитувчилар алмашинуви хорижга расмий таширлар сони 138 га ва талабалар сони 97 га етган.



лар сони 90 тани ташкил этади: Европа Иттифоқи давлат-

шчилари билан университетимиз тенглик моҳиятидан келиб чиққан ҳолда алоқаларни ривожлантирмоқда. Европа, Осиё, Шимолий Америка ва МДХ университетлари билан ҳамкорлик мулоқотларнинг ривожланиши қўшма дастур ва таълим мобиллигига асосланган. Олий таълим масканимизга ҳамкорлик бўйича чет элдаги юқори малакали мутахассис, профессор, талаба ва тадқиқотчилар ташири олиб бормоқда. Жорий йилда 40 дан ортик халқаро конференция ва хорижий етакчи олий таълим муассасалари билан турли мавзуларда 235 га яқин халқаро вебинарлар ўтказилди. Университетимиз турли халқаро лойиҳаларда иштирок этиб

келмоқда ва ютуқли натижаларни қўлга киритмоқда. 2022 йилнинг 27 апрелида университетимиз делегацияси билан Американинги Кўшма Штатининг Питтсбург университетига бўлди. Учрашув давомида академик ҳамкорликни ошириш, тиббиёт университетларимизга замонавий таълим дастурларини ишлаб чиқишда ёрдам бериш, кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, шунингдек, Питтсбург университети тиббиёт мактаби ва универ-

Эътибор беринг!

Университетимиз турли халқаро лойиҳаларда қатнашиб келмоқда, жумладан, Европа Иттифоқининг Темпус, Эразмус Мундус, Эразмус, Горизонт-2020ларда иштирок этмоқда. 2020 йилда институт 2017 йилдан буён амалга ошириб келган Supporting the Professionalization of Health Engineering studies and Related areas in Asia – SPHERA(573909-EPP-1-2016-1-ES-EPPKA2-CBHE-JP) лойиҳасини яқунлаган. 2022 йил 15 январдан Европа Иттифоқининг Erasmus+дастури доирасида “Олий таълимда салоҳиятни ривожлантириш” (Capacity-building in higher education-CBHE) йўналишида молиялаштирилиши режалаштирилган. Fostering the doctor of the 21st century: education for patient-centered communication – FOR21 (619037-EPP-1-2020-1-EL-EPPKA2-CBHE-JP) ва Harmonization and mutual recognition of MSc programmes in Occupational and Environmental Health – HORMONE (618829-EPP-1-2020-1-IT-EPPKA2-CBHE-JP) лойиҳаларни амалга оширишни бошлади.

дан: 2022-йилдан бошлаб 113 нафар профессор-ўқитувчилари тажриба алмашиш, дарс ўтиш мақсадида университетимизга ташир буюрди, ундан ташқари 23 нафар Покистон ва Ҳиндистон Республикасидан профессор-ўқитувчилар ишга тақлиф қилинган. Профессор-ўқитувчилар алмашинуви хорижга расмий таширлар сони 138 га ва талабалар сони 97 га етган.

ситетимиз ўртасида ҳамкорлик шартномасини амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди. JICA Япония Институ-



ЖАҲОН ВА МИЛЛИЙ ТАЖРИБА УЙГУНЛИГИ

Тиббиётда жаҳон тажрибасини уйғунлаштириш мақсадида шу кунга қадар 106 та халқаро ташкилот билан меморандум имзоланди. Жумладан, 75 та олий таълим муассасаси, 23 та илмий марказ, 8 та йирик тиббий марказлар-клиникалар билан истиқболли ҳамкорлик йўлга қўйилган. Бу бордаги ишлар қўлама йилдан-йилга ортиб бормоқда.

ларидан 15 та, АКШнинг 2 та, Осиё давлатларидан 8 та, МДХ давлатларининг 65 та олий таълим муассасаларидир. 2022 йил мобайнида университетда 8 дан ортик халқаро ҳамкор олийгоҳ ва ташкилотлар иштирокида 10 дан ортик келишувлар имзоланган, уларнинг 90 фоизи эса амалиётга босқичма-босқич татбиқ этиб бориляпти. Халқаро ташкилотларнинг чет элдаги университетлари ва илмий тадқиқот марказ-

ИМКОНИЯТ

КЕЛАЖАК – ЁШЛАРИМИЗ ҚЎЛИДА



сия Федерацияси Приволжск тадқиқот тиббиёт университети қўшма ўқув дастурининг “икки диплом” дастури (4+2), педиатрия, стоматология ва даволаш иши (бакалаврият) таълим йўналишлари бўйича жами 188 нафар, Россия Федерацияси И.Ульянов номидаги Чувашия давлат университети қўшма ўқув дастурининг “икки диплом” дастури (3+2) клиник психология (бакалаврият) таълим йўналиши бўйича 16 нафар, Россия Федерацияси В. Разумовский номидаги Саратов давлат тиббиёт университети қўшма ўқув дастурининг “икки диплом” дастури (3+2) фармация (бакалаврият) таълим йўналиши бўйича 4 нафар, Польша NationalLouis университети Олий бизнес мактабида қўшма ўқув дастурининг “икки диплом” дастури (3+2,5) соғлиқни сақлаш (бакалаврият) таълим йўналиши бўйича 30 нафар талабалар ўқиб келмоқда. Ҳозирги кунда чет эл талабалари 1 500 нафарни ташкил этади, улар Покистон, Ҳиндистон, Жанубий Корея, Афғонистон, Россия, Козогистон, Қирғизистон, Тожикистон, Буюк Британия, Германия, Филиппин, Туркия ва Туркменистон давлатларининг фуқароларидир.

ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАР АМАЛИЁТ УЧУН ҲОҲЛИМИ?

Университетимизда биринчи навбатда олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш қўламини ва мақсадлари ўзгарди, шунингдек, PhD ва DSc илмий даражаларини бериш бўйича илмий кенгашлар ташкил этилган ва самарали фаолият юритмоқда. Таълим масканимиз қошида тузилган илмий кенгашлар ўз фаолияти бошланганидан бери 39 та диссертация химоясини ўтказди, улардан 34 таси фалсафа доктори (PhD) ва 5 таси фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун. Икки йил ичида университетимиз ходимлари томонидан 112 та фан номзоди ва 15 та номзодлик диссертацияси химоя қилинди. Таълим муассасамизда даврий илмий-амалий журнал-



ларни нашр этиш илмий алоқа инфратузилмасида нихоятда муҳим ва зарур элемент ҳисобланади ва 2020 йилдан буён 8 та илмий-амалий журналлар чоп этиб келинмоқда. Молиявий ресурсларни жалб қилиш мақсадида 50 га яқин лойиҳа аризаларининг тўлиқ ҳужжатлари тайёрланди. Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан 6 та лойиҳа талабномаси молиялаштириш учун тавсия этилган. Илмий-инновацион фаолият бўйича мазкур лойиҳаларни амалга ошириш учун 8,2 миллиард сўм йўналтирилди. 2021-2022 йилларида дарсликлар 15та, монографиялар 126 та, услубий тавсиялар, ўқув қўлланма, ўқув-услубий қўлланма 279 та, Scopus ва Web of science да 276 та, мақолалар (жаҳон/республика) 3457 та, Патентлар ва дастурий маҳсулотлар учун сертификатлар 359 тани ташкил қилмоқда. Ахборот ресурс марказининг электрон кутубхонаси талабаларга хизмат кўрсатиб келмоқда. Ахборот-ресурс маркази замон талабларига жавоб берадиган техник воситалар билан жиҳозланган бўлиб, Электрон кутубхонада SCOPUS, EBSCO, SPRINGER, ГЭОТАР-Медиа халқаро илмий маълумотлар базасидан фойдаланилади. Электрон кутубхона базасида 63 500 га яқин адабиётлар мавжуд. Охириги уч йил ичида университет профессор-ўқитувчилари томонидан яратилган 35-номдаги дарсликлар, 142-номдаги ўқув қўлланма-

лар, 137 номдаги монографиялар, ва 79-номда услубий қўлланмаларнинг тўлиқ матнлари киритилган.

УНИВЕРСИТЕТНИНГ ЁШЛАР БИЛАН ИШЛАШ СИЁСАТИ

Университетимизда фаол ёшларини янада қўллаб-қувватлаш ва уларни ўқув, илмий ва маънавий юксалишлари учун руҳлантириш мақсадида бир қанча учрашувлар, эркин суҳбатлар ўтказиб келинмоқда. Таълим масканимизда таҳсил олаётган иктидорли талабалар томонидан шу кунга

ва Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ҳамкорлигида икки йилдан буён талабалар, докторантлар ва тадқиқотчилар ўртасида «Янги Ўзбекистоннинг истеъдодли ёшлари» номли «Йилнинг энг яхши мақоласи» танловида фаол иштирок этиб, совринли ўринларни қўлга киритиб келишмоқда. Жорий йилда «Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки дирекцияси» МЧЖ (ИТ-Парк) билан меморандум имзоланган бўлиб, асосий мақсад талабаларимизга startup лойиҳалари ҳақида маълумот бериш, ўз лойиҳаларини шакллантириш ва уларни молиялаштиришга қаратилган. Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган бешта муҳим ташаббус доирасида ёшларимиз маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш мақсадида университетимизда Ахборот-ресурс Марказини ташаббуси билан «Китоб-билим манбаи» шиори остида китоблар савдо кўرғазмаси ташкил қилинди. Талабаларимиз Халқаро ва Республика миқёсидаги танловлар ва

тиқ талабалар эса Халқаро тил сертификатларига эга ва уларнинг сони кун сайин ортиб бормоқда. 13 нафар талабаларимиз БМХ томонидан ўтказилган илмий конференцияда иштирок этиб, «Энг зўр инноватор», «Ёш олим-2022» ва «Энг зўр ёш олимлар -2022» номинацияларида фахрли биринчи ўринларни эгаллашди ва кўкрак нишонига эга бўлишди. Университетимизда Давлат стипендияларидан ташқари иктидорли талабаларни саралаш ва уларни кейинги фаолиятларида рағбатлантириш мақсадида «Ректор стипендияси» ташкил этилган. 2021-2022 йилларида 178 нафар талабалар «Ректор стипендияси» номзодига сазовор бўлди.

Яқинда университетимизнинг факультет ва кафедра ходимлари ўртасида “Заковат” интеллектуал ўйинининг саралаш турнири бўлиб ўтди. Мусобақада факультет ва кафедра деканат ва ходимларидан иборат 26 та жамоа иштирок этди. Барча жамоалар танловнинг икки босқичидан ўтишди, уларнинг ҳар бирида 15 тадан саволга жавоблар қайтардишди. Қизиқарли интеллектуал беллашув натижаларига кўра 5 та жамоа – педиатрия факультети деканати, тиббий профилактика, жамоат саломатлиги ва тиббий биология факультети декан ўринбосарлари, стоматология факультети тьюторлари, университетнинг Унион ва дипломдан кейинги таълим факультети жамоалари ғолибликни қўлга киритдилар.

Асосий мақсадимиз Ўз-



қадар бир нечта ютуқлар қўлга киритилди, жумладан, Президент ва номдор стипендия ғолиблари сони йилдан-йилга ошиб, ҳозирги кунда университетда кафедралик кесимида 89 та илмий тўғарақлар фаолият олиб бормоқда. Кафедра тўғарақларидан ташқари университетимиз талабалари ва профессор-ўқитувчилар ташаббуси билан турли хил тўғарақлар иши ҳам йўлга қўйилган. Масалан, «Medical English» курси даволаш факультетининг катта курс талабалари томонидан ташкилланган бўлиб, Мазкур дастурининг вазифаси жаҳон таълимини Ўзбекистонда ўргатиш, инглиз тилидаги адабиётларга қисқа муддатда мослашиш, жаҳон тиббий олийгоҳлари талабалари билан рақобатлаша олишдан иборатдир. Шунингдек, нуфузли журналлар талабларига жавоб берадиган даражада мақолаларни ёзиш мақсадида «Илмий саводхонлик курси» талабалар учун ташкил этилган. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш «Улуғбек» жамғармаси



конференцияларда фаол қатнашиб келишмоқда. 400 нафар ортиқ талабалар Халқаро ва Республика олимпиадаларида фахрли ўринларни эгаллашган, 578 нафари эса Халқаро ва Республика конференцияларда совринли ўринларни қўлга киритишган, 30 дан ор-

бекистон тиббиётини янада юксалтириш ва халқимиз саломатлиги йўлида астойдил ҳамда виждонан хизмат қиладиган соҳа мутахассисларини тайёрлаш экан, бу борада фидойи меҳнатларимизни бахшида этишга доимо тайёрмиз.

Фурсатдан фойдаланиб, республикамиз тиббиёт муассасаларида фаолият олиб бораётган жонқуяр тиббиёт ходимларини касб байрамлари билан самимий қутлайман.

Жасур РИЗАЕВ.

Самарқанд Давлат тиббиёт университети ректори,
профессор.

ФАХР ТУЙҒУСИ

ҲАЁТИМДАГИ УНУТИЛМАС ЛАҲЗАЛАР...

2022 йилнинг 18 март куни ҳаётимда унутилмас онлардан бири бўлиб қолди, чунки тарихда илк бор Давлат раҳбари шахсан тиббиёт ходимлари билан “Инсон қадрини учун” шиори остида очиқ мулоқот ўтказдилар. Ер юзининг бирор бир давлатида бундай ҳолатни эшитмаган ва кўрмаган эдим. Бухоро вилояти ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармасининг бош мутахассиси сифатида Бухоро шаҳар ҳокимлигининг мажлислар залидан ушбу нуфузли тадбирда иштирок этар эканман, фахр ва ифтихор, шукроналик туйғуси қалбимни эгаллаб олди.



Ўтказилган йиғилишда тиббиётда 7 та муҳим ва устувор вазифалар белгилаб берилди. Барча белгиланган устувор вазифалар халқимизнинг саломатлигини ҳимоя қилиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, шунингдек, тиббиёт ходимларини кўллаб-қувватлашдан иборат эди. Устувор йўналишлар асосида меҳнат фаолиятимизни ташкил этар эканмиз, маҳаллабай, хонадонбай ишни ташкил этиб, фуқароларимизнинг ҳолидан хабар олиб, уларнинг муаммоларини ўргандик, тиббий ёрдам бердик, ижтимоий масалаларда маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ва ҳоким ёрдамчилари билан биргаликда ҳал қилдик. Аҳоли учун чуқурлаштирилган тиббий кўриклар, халқ сайлига айланиб кетди. Ҳақиқатда ҳамма нарса “Инсон қадрини учун” эди.

Фурсатдан фойдаланиб, барча азиз шифокорлару кўли энгил ҳамшираларимизни, тиббиёт ходимлари кунини касб байрами билан самимий муборакбод этаман. Умр йўллари хайрли, меҳнатлари самарали бўлишини тилаб қоламан!

Маъмурахон САФОЕВА,
Бухоро вилоят ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармасининг ҳамширалик иши бош мутахассиси.

МАВСУМИЙ КАСАЛЛИК

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумоти-га кўра, ҳар йили дунёда 650 минг нафарга яқин инсон мавсумий гриппдан вафот этади. Қолаверса, ушбу вирус турли сурункали касалликларнинг ривожланиши учун қулай муҳит яратиши билан хавфли. Шу боис бу хасталикка эътиборсиз бўлиш ярамайди.

Кўз фаслида турли мавсумий юқумли касалликлар авж олади. Айниқса, бу пайтда барча ёшдаги инсонлар, хусусан, болалар ва ўсмирлар орасида грипп вируси кўп учрайди. Унинг энг кўтарилиш даври эса ноябрь-март ойларига тўғри келади. Табиийки, бундай пайтда ҳар ким ўзи билган ва синалган усуллардан фойдаланиб, касалликка қарши курашиши мумкин. Бироқ мутахассислар хасталикдан ишончли ҳимояланиш учун унга қарши эмланишни тавсия этади. Чунки



ҲИМОЯ ҚИЛАДИ-МИ?

гриппнинг ўзидан кўра, асоратлари жуда хавфли. Хусусан, у пневмония, бронхит, юқори нафас йўллариининг иккиламчи бактериал инфекциялари (отит, синусит), асаб ва юрак-қон томир тизими касалликлари ҳамда қандли диабет каби хасталикларни келтириб чиқаради. Энг ёмони, бу дарддан хавф гуруҳига кирувчи инсонлар ўз вақтида даволанмаса, ўлимга сабаб бўлиши мумкин. Айни пайтда дунёнинг аксарият давлатларида турли дори воситала-

ри орқали грипп вируси даволанмоқда. Бироқ унинг айрим турларида вирусга қарши препаратларга чидамлик ортиб, бу даволаш самарадорлигини чегаралайпти. Бунинг устига, кўпчилик ўйла-

ганидек, антибиотиклар ҳам ушбу вирусни даволамайди. Сабаби мазкур дори воситалари фақат бактериал инфекцияларга таъсир қилади. Шу боис гриппдан ҳимояланишнинг энг самарали йўли касалликка қарши эмланишдир. Айтиш керакки, вакцина хавфсиз ва юқори таъсирга эга бўлиб, йил-

лик касалланиш ва ўлим ҳолатларини старлича камайтиради. Яъни замонавий гриппга қарши эмлаш воситаларининг самарадорлиги 90 фоизни ташкил этади.

ЖССТ ушбу вирусга қарши, биринчи навбатда, ҳомиладор аёллар, 6 ойликдан 5 ёшгача бўлган болалар, кекса ёшли инсонлар (65 ёшдан катта), сурункали касалликлари бор беморлар ва тиббиёт ходимларини эмлашни тавсия этади.

Дилором ТУРСУНОВА,
Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати масъул ходими.

ПЕРСПЕКТИВЫ

Как вы знаете, с 1 ноября текущего года в соответствии с постановлением Кабинета Министров от 3 октября текущего года “О совершенствовании системы кадрового обеспечения государственных медицинских учреждений” началась работа по трудоустройству студентов, магистров и клинических ординаторов на существующие вакантные должности с определением потребности в врачах в регионах.

По его словам, по инициативе областного управления здравоохранения во взаимодействии с Ташкентской медицинской академией и Ташкентским педиатрическим медицинским институтом сформирован перечень из более чем 1000 вакантных должностей, определяющих потребность в врачах в территориальных медицинских учреждениях. В настоящее время студен-

В БОЛЬНИЦАХ ТАШКЕНТСКОЙ ОБЛАСТИ ТРУДОУСТРАИВАЮТСЯ СТУДЕНТЫ НА БОЛЕЕ ЧЕМ 1000 ВАКАНТНЫХ ДОЛЖНОСТЕЙ



тами получено более 200 заявлений, из них около 100 подписаны трудовые договоры с врачами, к которым прикреплены опытные врачи и преподаватели медицинских учреждений. В качестве информации можно сказать, что первый этап этой системы был запущен экспериментально с 1 октября 2022 года в Сурхандарьинской области, а второй этап был запущен с 1 ноября 2022 года в других регионах.

**Хамидулла
УБАЙДУЛЛАЕВ.**

КАРДИОЛОГИЯ

1. Повышение артериального давления всегда сопровождается головной болью, шумом в ушах, головокружением, ухудшением зрения.

Это далеко не так. В том-то и дело, что коварство гипертонии заключается поначалу в бессимптомном течении. Пациентов с повышенным артериальным давлением могут не беспокоить никакие жалобы. Но при этом повышенное артериальное давление потихоньку начинает повреждать органы-мишени (сердце, головной мозг, почки, сосуды, сетчатку глаз). В конце концов наступает момент, когда компенсаторные возможности организма истощаются и вот тут сердце дает о себе знать - начинают беспокоить боли в

его области, перебои в работе (аритмии), появляются жалобы со стороны головного мозга – головные боли, головокружения, шум в ушах, со стороны глаз – ухудшение зрения. И зачастую пациенты обращаются к врачу с более тяжелыми осложнениями, такими как инфаркт или инсульт. Поэтому гипертоническую болезнь называют «тихий убийца».

2. Гипертонией чаще страдают пожилые люди.

Да, гипертоническая болезнь по определению считается возраст-зависимым заболеванием, тем не менее на сегодня эта патология помолодела. Молодые люди, которым исполнилось недавно 30 лет, нередко становятся гипертониками. Если заболевание у них протекает бессимптомно, они чаще всего откладывают прием к врачу «на потом» и в конечном итоге могут попасть в медицинское учреждение с инсультом или с инфарктом, а ближе к пенсии заработать себе сердечную недостаточность.

Данные ВОЗ подтверждают факт помолодевшей гипертонии. У каждого третьего жителя планеты старше 18 лет цифры артериального давления выше нормативных цифр.

3. Гипертония чаще встречается у мужчин, чем у женщин.

Гипертония с одинаковой вероятностью встречается как среди мужчин, так и среди женщин. Представление о том, что дамы страдают гипертонией реже, связано с другой причиной - заболевание начина-

ет проявляться с наступлением менопаузы, так как снижается выработка эстрогенов, которые защищают женщин от сердечно-сосудистой патологии.

4. При наследственной предрасположенности развитие гипертонической болезни нельзя предотвратить.

Наследуется не сама гипертоническая болезнь, а предрасположенность к ней. Риск развития недуга зависит от количества больных родственников. Известно, что если от-

ца страдает гипертонической болезнью, риск развития гипертонической болезни у сына составляет 57%, если только мать – 30%, если лишь отец - 13%.

Даже если у многих родственников наблюдалась гипертония, это не означает, что заболевание неизбежно будет присутствовать и у вас. Риск его появления возрастает при ожирении, неправильном питании, злоупотреблении солью, малоподвижном образе жизни и вредных привычках. Если данные факторы будут устранены, то предотвратить гипертонию возможно.

Очень часто дебют заболевания связан с абдоминальным ожирением, сопровождающимся накоплением жира в области талии и живота. На его развитие может указывать объем талии. У мужчин этот показатель составляет более 102 см, а у женщин – более 88 см.

5. Лекарства принимать нужно только при повышении давления.

Препараты для контроля давления нужно принимать ежедневно. Гипертония - это такое же хроническое заболевание, как, например, сахарный диабет. Если больной сахарным диабетом вовремя не примет инсулин, у него повысится сахар в крови. То же самое при гипертонии. Если гипертоник не примет вовремя

свое лекарство, у него повысится давление. Следует отметить, что необходимо ежедневно измерять давление, несмотря на хорошее самочувствие, потому что его подъем может протекать бессимптомно.

6. Физические нагрузки при гипертонии полностью противопоказаны.

Чрезмерная или недостаточная физическая активность при гипертонии одинаково опасны. Малоподвижный образ жизни приводит к набору лишних килограммов и негативно отражается на состоянии кровеносных сосудов и сердечной мышце. В итоге показатели артериального

давления будут только возрастать.

тать, а нагрузка на сердце - увеличиваться. Чрезмерная активность и переутомление могут приводить к резким скачкам давления и становится причиной развития осложнений (например, гипертонических кризов или инсультов).

Степень физической нагрузки при гипертонической болезни должна зависеть от общего состояния и определяется врачом индивидуально. Она должна быть регулярной, легкой и не вызывать появления одышки и других нежелательных симптомов. Предпочтительнее заниматься быстрой ходьбой и плаванием.

7. Лечить гипертонию можно при помощи лекарственных трав.

Народная медицина рекомендует множество средств для лечения гипертонической болезни - пустырник, боярышник, чеснок, сок свеклы, перегородки грецких орехов и др. Многие из них могут применяться в качестве дополнения к основному плану медикаментозного лечения, но полностью заменять его они не способны. Дело в том, что они не снижают частоту опасных осложнений гипертонии – инфаркта, инсульта, сердечной недостаточности. Тогда как исследования лекарств, проведенные на десятках тысяч людей, подтверждают такой защитный

эффект медикаментов.

Помните, не измеряя артериальное давление, невозможно определить заболевание, а значит назначить соответствующее лечение.

Знаете ли вы...

что одним из грозных осложнений артериальной гипертонии является фибрилляция предсердий.

Фибрилляция предсердий – наиболее часто встречаемое нарушение ритма сердца.

Причиной возникновения этого недуга у гипертоников чаще всего является про-

раты назначаются только при пароксизмальной и персистирующей форме фибрилляции предсердий.

Профилактика артериальной гипертонии

Болезнь легче предупредить, чем лечить, поэтому стоит задуматься о профилактических мероприятиях еще в молодости.

Основные мероприятия по профилактике артериальной гипертонии:

- нормализация массы тела за счет уменьшения общей калорийности пищи и повышения уровня физической активности;

- контроль за уровнем глюкозы в крови;

- ежедневные динамические физические нагрузки в течение 30-60 минут и более (например, прогулки быстрым шагом, катание на лыжах, велосипеде или плавание и др.);

- ограничение потребления поваренной соли (до 5 г в сутки), уменьшение употребления соленых и маринованных продуктов;

- включение в рацион продуктов, богатых кальцием (молочные продукты с низким содержанием жира), калием, магнием, микроэлементами, витаминами, пищевыми волокнами (овощи, фрукты, зелень), орехи;

- ограничение или исключение из рациона продуктов, содержащих большое количество холестерина: жирные сорта мяса, крепкие мясные бульоны, любой жир, колбасы, сосиски, готовые пельмени, мясные консервы, майонез, сливочное масло, жирный творог, пирожные с кремом, сливочное мороженое;

- ограничение приема алкоголя;

- прекращение курения – это один из самых эффективных способов снижения общего риска сердечно-сосудистых заболеваний.

- сохранение позитивного настроения на жизнь.

ОШИБОЧНЫЕ**ПРЕДСТАВЛЕНИЯ****О ГИПЕРТОНИИ**

цесс ремоделирования, то есть перестройки полостей сердца. В частности, расширение или дилатация левого предсердия. Мышечные волокна левого предсердия начинают быстро и хаотично сокращаться. При этом кровь в левом предсердии будто взбивается миксером. И если кровь будет густая, то из нее будут образовываться маленькие тромбики, которые разлетаются по всей кровеносной системе организма и в первую очередь через аорту попадают в сосуды головного мозга, что может привести к инсульту.

Основной целью лечения фибрилляции предсердий является разжижение крови антикоагулянтами. Другая не менее важная цель – это контроль частоты сердечных сокращений.

Антиаритмические препа-

Регулярное прохождение профилактических медицинских осмотров и диспансеризации способствует раннему выявлению и коррекции факторов риска хронических неинфекционных заболеваний, в том числе артериальной гипертонии. Каждый человек, повторимся, должен регулярно измерять артериальное давление.

Г. АБДУЛЛАЕВА,
доктор медицинских наук, главный научный сотрудник,

Х. ЮСУПОВА,

младший научный сотрудник,

З. МАШКУРОВА,

докторант, Республиканский специализированный научно-практический медицинский центр кардиологии.

ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК

Ўзбек халқи – азал-азалдан болажон халқ. Юртимизнинг қайси бир гўшасига бўлманг, болаларга кўрсатилаётган ғамхўрликнинг гувоҳи бўламиз. Сўнгги йилларда мамлакатимизда болалар манфаатини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Еш авлодни жисмонан ва маънан соғлом қилиб вояга етказиш, фарзандларимизни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Ҳар бир бошланган эзгу қадам ортида ўзбекларга хос меҳр-муҳаббат ва миллий қадриятлар муҷассам. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 октябрдаги “Болаларни қўллаб-қувватлаш жамоат фонди фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинганига бир йил тўлди. Мазкур қарор билан Республикада Болаларни қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ташкил этилди. Бунинг учун давлат томонидан 100 миллиард сўм маблағ ажратилди. Бу маблағлар айни пайтда эҳтиёжманд оилаларнинг фарзандлари, чин етимлар, оғир касалликка чалинган ва ногиронлиги бор болаларни тиббий-ижтимоий қўллаб-қувватлаш, жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсон бўлган болаларни таълим олишига кўмаклашиш, оғир хасталикка чалинган болаларни маҳаллий ва хориж клиникаларида даволаш, зарур дори воситалари билан таъминлаш каби хайрия тадбирларига йўналтирилмоқда. Ҳозирда Болаларни қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг Васийлик кенгаши ва экспертлар гуруҳи шакллантирилган бўлиб, улар мунтазам равишда ҳар бир маблағни тўғри ва мақсадли сарфланишини назорат қилиб бормоқда. Жамоат фондига келиб тушаётган мурожаатлар, хусусан касалликка чалинган бемор болаларни даволаш, уларни зарур дори воситалари ва ортопедик жиҳозлар билан таъминлаш, моддий ёрдам кўрсатиш чора-тадбирлари ҳамда уни молиялаштириш масалалари Васийлик кенгашининг доимий эътибор марказида бўлмоқда. Фонд ташкил этилганидан бўён 650 та ёзма мурожаат келиб тушган бўлиб, уларнинг 488 таси ижобий ҳал этилган. Ушбу мурожаатларнинг 20 таси бўйича бемор болалар чет эл клиникаларида даволаниш ва мураккаб амалиётларни бажариш учун юборилди. Шу кунгача

юборилди. Бундан ташқари, Туркиянинг «MEDSKILLS TURKEY» клиникасининг юқори малакали ортопедлар гуруҳи икки мартаба Ўзбекистонга жалб этилиб, 20 нафар бемор болаларда туғма скалиознинг 4 даражаси ташҳиси асосида мураккаб жарроҳлик амалиётини ўтказдилар ва 150 нафар бемор болаларга турли даражада тиббий ёрдамлар кўрсатилди.

мақсадида турли керакли тиббий жиҳозлар олиб берилди. Шу кунгача 250 га яқин кардиожарроҳлик амалиётлари бажарилди, маблағлар фонд томонидан қоплаб берилди.

Мамлакатимизда илк мартаба Жамоат фонди томонидан “Номукаммал остеогенез” ташҳисли болаларни даволаш мақсадида “Хрустал болалар” миллий лойиҳаси амалга оширилди. Шу муносабат билан Республика болалар ортопедия марказида “Хрустал бола-

хассислар учун маҳорат дарслари ҳам ташкил этилди.

Эҳтиёжманд оила фарзандлари ҳолидан хабар олиш ва уларга керакли дори-дармон ва ижтимоий мослашув қурилмалари билан таъминлаш мақсадида “Манзилли ёрдам” лойиҳаси амалга оширилмоқда. Тошкент вилояти Юқоричирчиқ туманига 50 та ҳамда Жиззах вилояти Фориш туманига 120 дона озик-овқат маҳсулотлари, кундалик эҳтиёж учун зарур бўлган материаллардан иборат инсонпарварлик ёрдамлари кўрсатилди. Мурожаатларнинг очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш, уларнинг тезкор ва ҳолис кўриб чиқилишини амалга ошириш мақсадида “Ўзинфоком” молиявий кўмагида www.bolalarfondi.uz миллий платформаси ишга туширилди. Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан манфаатдор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда кенг жамоатчилик фикрини ва илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда «Болаларни қўллаб-қувватлаш жамоат фонди тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Фонд қисқа вақт ичида нафақат маҳаллий балки, хорижий ташкилотлар билан ҳам ҳамкорлик меморандумларини тузди. Жумладан, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ), Бирлашган миллатлар ташкилотининг Болалар жамғармаси (UNICEF), Туркиянинг Халқаро ривожланиш ва ҳамкорлик агентлиги (ТИСА), Туркиянинг тиббий-ижтимоий хизматлар кўрсатиш ташкилоти (USHASH), Корея халқаро соғлиқни сақлаш жамғармаси (KOFIH) каби халқаро ташкилот-

лар билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйди. Президент

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ҲЕЧ КИМНИ ЎЗ ҲОЛИГА ТАШЛАБ ҚЎЙМАЙДИ

Жамоат фонди томонидан юрак туғма нуқсонли, туғма лаб, танглай ёриқлари нуқсонли, кўз, эшитиш тизими, ортопедик касалликлари ташҳиси бўлган болаларга жарроҳлик амалиётини ўтказиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Андижон, Фарғона, Қашқадарё вилоятларида “Эзгулик манзили”, “Болаларга табассум” хайрия акциялари ўтказилиб, 2000 нафар бемор бола тиббий кўрикдан ўтказилди, уларнинг 500 нафаридо вилоят миқёсида юқори технологик жарроҳлик амалиётлари ўтказилди.

Ушбу кунга қадар Жамоат фонди кўмагида 20 нафар бемор болалар илик кўчириш, бош мия ўсимтаси, кўз тўр пардаси тотал кўчиши, юрак жар-



“Халқаро саратонга чалинган болалар куни” муносабати билан Болалар гематологияси, онкологияси ва клиник гематологияси марказида, “Бутунжаҳон Аутизм муаммоси ҳақида ахборот тарқатиш куни” муносабати билан Курбонов номи Республика болалар психоневрологик шифохонасидаги 200 га яқин бемор болаларга даволаниши даврида дарсларда фойдаланиши учун ўқув куроллари ҳамда болалар реабилитациялари учун тиббий техникалар топширилди. Бундан ташқари, юрак нуқсонли билан туғилган бемор болажонларни операция қилиш ва ундан кейинги реанимация жараёнларида фойдаланиш

роҳлик амалиёти, таянч ҳаракат системасининг хавфли ўсимтаси каби ташҳислар билан чет элнинг (Германия, Туркия, Беларусъ, Россия давлатининг) нуфузли клиникаларига шошилиш мураккаб жарроҳлик амалиётини ўташ учун

лар” миллий лойиҳаси доирасида берилган тиббий акция бўлиб ўтди. Акция доирасида 50 нафар бемор болаларда хорижлик шифокорлар иштирокида жарроҳлик амалиёти бажарилди ва бу жараёнда маҳаллий мута-

миз томонидан энг муҳим талаб – инсон кадрини улуғлаш мана шундай эзгу ташаббуслар, хайрли қадамлар билан янада сермазмун бўлади.

Янги Ўзбекистон ҳеч кимни ўз ҳолига ташлаб қўймайди, ҳеч бир фарзандини эътибордан четда қолдирмайди.

Барно АБДУСАМАНОВА,
Болаларни қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди ижрочи директори ўринбосари.

Газета муассиси:
Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

Бош муҳаррир
Амрилло ИНОЯТОВ
Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Манзилмиз: 100060, Тошкент шаҳри, Истикбол кўчаси, 30 уй, 2-қават.
Тел/факс: (71)233-13-22, тел.: (71)233-57-73. Газета 2009 йил 11 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0015-рақами билан рўйхатга олинган.

Газета материаллари таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Адади 673 нусха.
Буюртма Г-1140

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.